

АЁЛЛАР МУАММОЛАРИНИ ЁРГАНИШДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЧИЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ (САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА) СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10791393>

Ғ.Холмуродов

Мирзо Улмузбек номидаги

Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси

Аннотация

Ушбу мақолада аёллар муаммоларини ўрганишда ижтимоий шерикчиликнинг аҳамияти мавзуси бўйича социологик сўровнома ўтказилиб, натижаларининг таҳлили ёритилган.

Калит сўзлар

аёллар муоммолари, респондент, аёллар ҳуқуқлари, ижтимоий шерикчилик, ижтимоий фаоллик, бандлик.

Аёлларга оид муаммолар ижтимоий ҳаётдаги имкониятлар, манфаат ва эҳтиёжлар, улар ўртасидаги зиддиятлар замирида вужудга келади, уларни ижтимоий фаоллигини ошириш жараёнини амалий ҳаётга татбиқ этиш имконияти пайдо бўлади. Ана шу имкониятни ўрганиш, уни реаллаштириш назарий фундаментал илмий тадқиқотларни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, саломатлигини муҳофаза қилиш, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса ҳукуматнинг ижтимоий ҳимоя учун зарур маблағларни меъёрдаги даражада ажратилишини таъминлаш учун зарур чора-тадбирларни кўраётганидан далолат беради. Юқоридагилардан келиб чиқиб куйидаги социологик тадқиқотимизни таҳлилга эътибар қаратсак. Ушбу сўровнома Самарқанд вилояти олиб борилди. Сўров 50 та респондентдан ўтказилди. Аёллар муаммоларини ўрганишда ижтимоий шерикчиликнинг аҳамияти бўйича ўтказилган сўровнома куйидагича натижалар олинди.


Сиз аёллар фаоллигини ошириш бўйича ижтимоий сиёсатни қандай баҳолайсиз? деб берилган саволимизга респондентларнинг 47% яхши, 23% билмадим, 30% қизикмайман деб жавоб бердилар.

1-диаграмма.



Сизнинг фикрингизча, хотин-қизларнинг раҳбарлик лавозимларига эришиши учун жамиятда ижобий фикр шаклланиши борасида аҳоли ўртасида қандай маърифий ишларни олиб бориш зарур? деб берилган саволимизга респондентларнинг 7% давра суҳбатлари ўтказиб бориш, 19% аёлларни иш жойида қўллаб-қувватлаш, 13% олий маълумот олишга имкон яратиш, 2% ОАВ ишини кучайтириш, 1% жавоб йўқ, 18% аёлларнинг ривожланишларига тўсқинлик қилмаслик, 14% амалда намуна сифатида кўрсатиш керак, 5% аёлларнинг билим олишлари, ривожланишлари учун шароит яратиш зарур, 2% жамият ижтимоий қатламини ўрганиш керак, 9% оилада эркакларнинг ролини ошириш керак деб жавоб бердилар.

2-диаграмма.



Сиз қандай фикирдасиз, бизнинг республикада меҳнат, жамоатчилик, давлат, маданият ва бошқа соҳаларда эркаклар ва хотин-қизлар ўртасидаги ижтимоий мавқе бўйича фарқ қай даражада? деб берилган саволимизга респондентларнинг 12% аёлларга эътибор кучайган, 4% фарқ йўқ, 17% барчага тенг имконият яратилган, 19% тенг эмас, 2% ўзбек менталитети, 13% бошқарувда асосан эркаклар фаолият юритиши билан

боғлиқ, 6% дин ва анъаналар, 3% аёлларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, 8% мусулмончиликда эркак устун бўлиш керак, 5% режали аёл ўз устида ишлайди, 11% хотин қизлар оила юмушлари билан банд деб жавоб бердилар.

3-диаграмма.



Бизнинг республикада хотин-қизлар анъанага кўра қаерда кўпроқ банд? деб берилган саволимизга респондентларнинг 28% оила ва болалар тарбиясида, 16% педагогика ва тиббиёт соҳасида, 26% 30-40% аёллар бола тарбияси билан банд, 9% савдо соҳасида, 9% ҳозир вақтда давлат ва жамият бошқарувида, 12% бошқа соҳаларда банд деб жавоб бердилар.


4-диаграмма.



Сизнингча, Ўзбекистон Республикаси жамият ҳаётининг турли соҳаларида аёллар тенг ҳуқуқлими? деб берилган саволимизга респондентларнинг 15% тенг ҳуқуқли, 37% тенг эмас паст, 29% ҳамма соҳада

ҳам тенг эмас, 6% тенг лекин механизм йўқ тенгликни таъминловчи, 13% тенглик фақат қоғозда деб жавоб бердилар.

5-диаграмма.



Айта оласизми бугунги кунда ўзингиз туғилиб ўсган маҳаллада аёлларнинг тахминан қанчаси молиявий маблағ топиш мақсадида хорижий давлатларга бориб келган? (*Битта жавоб вариантини белгиланг*) деб берилган саволимизга респондентларнинг 67% 5 %дан кам, 14% 5 дан 15 %гача, 3% 15 дан 30 %гача, 3% 30 дан 50 %гача, 2% 50% дан юқори, 11% ўзингизни жавобингиз деб жавоб бердилар.

6-диаграмма.



Сир бўлмаса айта оласизми ўзингиз томонингиздан ишлаб топилган молиявий маблағни нималарга сарф қилардингиз?(*бир нечта вариантларни белгилашингиз мумкун*) деб берилган саволимизга респондентларнинг


15% ишлаб чиқариш ёки уй-жой қурилишига, 19% фарзандларимнинг ўқишига, 8% тўй/тадбирларни ўтказиш учун, 23% ўз сармоям учун, 4% яшаш учун, 31% ўзингизни жавобингиз деб жавоб бердилар.

7-диаграмма.




Бошқарув самарадорлиги даражасини оширишда қайси соҳаларда хотин-қизларнинг ўрни ва ролини юксалтириш зарур? деб берилган саволимизга респондентларнинг 9% барча соҳага аёлларни жалб қилиш керак, 4% бандлик, ижтимоий ҳаётдаги иштироки, 4% таълим, бандлик сиёсат ва бошқа соҳаларда юксалтириш зарур, 13% таълим тиббиёт бизнес, 6% сиёсий ҳаётдаги иштироки, ижтимоий фаоллик, 19% уйда ўтирувчи аёлларни бандлигини таъминлаш зарур, 3% молия соҳаси ва бошқарув, 11% олий маълумотга эга бўлиш, 31% ҳаммаси деб жавоб бердилар.

8-диаграмма.



Жамиятда аёллар фаоллигини оширишда ижтимоий ҳамкорликни қайси соҳаларда кучайтириш керак? деб берилган саволимизга респондентларнинг 21% таълим тизимида, 18% соғлиқни сақлашда, 14% суд-ҳуқуқ органларида, 9% тадбиркорлик субъектларида, 2% бандликда, 36% бошқа соҳаларда деб жавоб бердилар.


9-диаграмма.



Биринчи навбатда мамлакатни демократлаштириш жараёнларини кучайтириш учун Ўзбекистонда ижтимоий ҳамкорликнинг қайси шакллари ривожлантириш керак? деб берилган саволимизга респондентларнинг 12% фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий – иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, 36% фуқаролик жамияти институтлари вакиллариининг давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлари, комиссиялари ва жамоат маслаҳат органлари фаолиятида иштирокининг очиклиги, 28% давлат органлари ва нодавлат ноижорат ташкилотлари ўртасида қўшма тадбирлар ўтказиш, 24% ННТларнинг давлат органларидан ҳоли фаолиятини таъминлаш деб жавоб бердилар.

10-диаграмма.

Биринчи навбатда мамлакатни демократлаштириш жараёнларини кучайтириш учун Ўзбекистонда ижтимоий ҳамкорликнинг қайси шакллари ривожлантириш керак?



Ижтимоий ҳамкорлик соҳасидаги давлат органларининг қайси функцияларини биринчи навбатда ўзингиз яшаётган ҳудудда таъминлашни муҳим деб биласиз? деб берилган саволимизга респондентларнинг 29% фуқаролик жамияти институтларини ижтимоий – иқтисодий ривожланиш дастурлар ва ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга жалб қилиш, 43% фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг ўз ваколатларига қирадиган масалаларм бўйича давлат органлари ҳузуридаги жамоат маслаҳат органлари ишларида иштирок этишини таъминлаш, 28% давлат органлари ва нодавлат ноижорат ташкилотлари ўртасида қўшма тадбирлар ташкил этиш деб жавоб бердилар.

11-диаграмма.

Ижтимоий ҳамкорлик соҳасидаги давлат органларининг қайси функцияларини биринчи навбатда ўзингиз яшаётган ҳудудда таъминлашни муҳим деб биласиз?



Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, Ўзбекистон Республикасида хотин-қизларнинг муоммоларини ўрганишда, ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини оширишда, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва

қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда аёлларнинг ижтимоий муаммоларининг келиб чиқиш сабабларига:

- аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича номукамаллик, декларатив-ҳуқуқий базанинг йўқлиги;

- аёлларга ёрдам беришга мўлжалланган ихтисослаштирилган ижтимоий хизматларнинг етарли эмаслиги;

- заиф ва ҳимоясиз аёл сифатида жамиятдаги гендер стереотипларининг устунлиги;

- ҳаётнинг турли соҳаларида аёлларнинг камситилиши;

- аёлларнинг ўз ҳуқуқлари учун курашиш истаги ёки қобилиятининг йўқлиги.

Ушбу муаммолардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тақлифларни беришимиз мумкин:

- аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фақатгина давлатнинг ролини кучайтирмасдан, ННТ фаолиятини доирасини кенгайтириш, ҳаётидаги роли ва фаоллигини ошириш лозим;

- хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларнинг, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларнинг манзилли рўйхатларини тузиш, уларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш;

- хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, хотин-қизларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, хунармандчиликка кенг жалб этиш масалаларида ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш;

- хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, хотин-қизларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашиши бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ҳамкорликни таъминлаш;

- жойларда оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларни ўз вақтида аниқлаш, улар билан яқка тартибда ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб бориш, уларни манзилли қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, улар ўртасида оилавий ва хусусий тадбиркорликни,

хунармандчиликни ривожлантириш бўйича амалий чораларни амалга ошириш.